https://buxdu.uz

# ЎзМУ ХАБАРЛАРИ

# ВЕСТНИК НУУз

# ACTA NUUz

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ 1997 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН**

**2022**

**1/4/1**

**Ижтимоий-гуманитар фанлар туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАЖИДОВ –** т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.
**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.
**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.
**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.
**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.
**Муртазаева Р.Ҳ.** – т.ф.д., проф.
**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.
**Ганиева М.Ҳ.** – соц.ф.д., проф.
**Мадаева Ш.О. –** ф.ф.д, проф.
**Туйчиев Б.Т. –** ф.ф.д, проф.
**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.
**Тўхтаев Х.П.** – ф.ф.н., доц.
**Болтабоев Ҳ.** – фил.ф.д., проф.
**Раҳмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.
**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.
**Сиддиқова И.А. –** фил.ф.д., проф.
**Ширинова Р.Х. –** фил.ф.д., проф.
**Садуллаева Н.А. –** фил.ф.д., доц.
**Арустамян Я.Ю. –** фил.ф.д., доц.
**Пардаев З.А. –** фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

https://buxdu.uz

# МУНДАРИЖА

## Тарих

**Abduvohidov D.** Samarqand shahrida qurilgan xristian cherkovlari (XIX asr oxiri XX asr boshlari)........................4
**Каримова С.** Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятидаги араб миллий маданий маркази фаолияти......7
**Kasimova Sh.** The role of virtual museums in the development of museum pedagogy of Uzbekistan......................10
**Маттиев У.** Исхоқхон-тарихий тақдирнинг такрорланиши ................................................................................13
**Муродова Д.** Бухоро вилояти архив тизимидаги раҳбар аёллар фаолияти ...........................................................17
**Muxamedova M.** Prospects of development of tourism in the museum on the basis of cultural tourism in Uzbekistan..................................................................................................................................................21
**Савриев Ж.** Карманада Бухоро амирлари ва амалдорлари томонидан бунёд этилган сарой ва чорбоғлар ....24
**Сафаров А.** Қашқадарё вилоятида амалга оширилган «пахта иши» уйдирмаларининг салбий оқибатлари...27

## Фалсафа, Педагогика, Психология, Методика, Социология, Сиёсий фанлар

**Аббасова Н.** Использование технологии обучения в сотрудничестве в обучении пословицам и поговоркам английского языка учащихся общеобразовательных школ..........................................................................31
**Abdullayev B.** Ta'lim jarayonida intellektual tizimlar va ularni ishlab chiqish texnologiyasi.................................34
**Абдуллаева Р., Эшбаева Н.** Сложности при обучения русскому языку в медицинском ВУЗе: учебные ресурсы и потребности студентов ..................................................................................................................38
**Абдурасулов И.** Development of cultural competences of students of higher educational organizations ...............41
**Absamatov Z.** Kasbiy kompetentlikni shakllantirishda yondashuvlarning o'rni .....................................................11
**Азамов Ж.** Олий таълим муассасаларини институционал автономиясини такомиллаштириш механизми ....47
**Алимджанов Б.** Активные операции ташкентского отделения русско-азиатского коммерческого банка......50
**Atabayeva D.** Bolaning kun tartibidagi normal fiziologik uyquning o'sish va rivojlanishga ta'siri ..........................55
**Ахмедов Б.** Севги никоҳ қуришнинг муҳим мотиви сифатида .............................................................................58
**Axmedova D.** Oliy ta'lim muassasalarida kredit modul tizimida talabalarning mustaqil o'qishini tashkil etishning didaktik imkoniyatlari ..........................................................................................................................................61
**Begmatova D., Usmonov S.** Tibbiyot mutaxasislarini tayyorlashda fizika fanini integratsiyasi ..............................64
**Бозоров Э., Эргашев А.** Олий таьлим муассасларида "Рентген диагностикаси" мавзусини ўқитишда интерфаолусуллардан фойдаланиш услублари .........................................................................................................68
**Burxonova M.** Zamonaviy oilalarda uchraydigan konfliktlar: ijtimoiy va psixologik tahlil.....................................72
**Джаббаров А.** Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши ......................................................75
**Jabbarova L.** Modern views of the museum design in Uzbekistan (on the example of the Tashkent museum) .......79
**Зияева М.** Лингвистическая и коммуникативная компетенция учебника русского языка...............................82
**Ismatova Yu.** Kredit-modul o'qitish tizimini joriy etish ta'lim tizimining rivojlatirish yangi bosqichi sifatida........85
**Kadirova L.** Jamoa sport turlaridan biri – futbol terminologiyasining morfologik va sintaktik tuzilishi..................88
**Кадирова М.** Замонавий таълим технологиялари асосида талабаларнинг иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш модели..............................................................................................................................................91
**Камолова К.** Турмуш тарзи: янги ўзбекистонда янгиланиш ва тараққиёт омиллари ........................................95
**Karimova M.** Biologiya o'qituvchisi metodik tayyorgarligining tuzilmaviy-funksional modeli..............................97
**Каттаева Г.** Самарқанд алломаларидан Махдуми Аъзамнинг энтопедагогик асарининг таҳлили ...............100
**Куралбаев А.** Болалар-ўсмирлар спорт мактабида ёш гандболчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини такомиллаштириш услубияти ..................................................................................................................................103
**Қувондиқов С.** Кўп йиллик тайёргарлик босқичида енгил атлетика турларига ўқувчи ёшларни саралашнинг педагогик технологияси...........................................................................................................................................107
**Qudratov S**. Malaka oshirish jarayonida pedagog kadrlarning kompetentligini rivojlantirishga qo'yilayotgan zamonaviy talablar .................................................................................................................................................109
**Қўзибоева М.** Масофавий ўқитиш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари ...............................................112
**Mamatqulov R.** Millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik o'zbek xalqining yuksak qadriyati ..........................114
**Mansurova T.** On the state of teaching the russian language in schools of the Jizzakh region of the Arnasai region ...................................................................................................................................................................117
**Мирхолиқова Ч.** Болаларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили ......................................................................................................................................................120
**Muxammedova O.** Tibbiy oliy ta'lim muassasalarida rus tilini o'qitish kommuniktiv kompetensiyalarini shakllantirishning tamoyillari...................................................................................................................................124
**Negmatova D.** O'zbekistonda mahalla institutining rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari...........................126
**Norqo'ziyeva M.** Oliy ta'lim muassasasida talabalarning kasbiy barqarorligini shakllantirishning mohiyati .........129
**Nuraliyeva P.** Talabalar o'quv kompetensiyasini shakllantirishda raqamli texnologiyalarning o'rni......................132
**Равшанов Ғ.** 16-17 ёшли ўспирин ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши характеристикаси .................135
**Раҳматуллаева Г.** Маънавий-маърифий фаолиятни бўлажак ўқитувчиларда шакллантиришнинг аҳамияти ...........................................................................................................................................................................140
**Сапаров Б.** Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий маънавият ва мафкуранинг аҳамияти ...............................................................................................................................................................143
**Сейдаметова Г.** Школьное образование в повседневной жизни населения каракалпакстана в 1950-1960-е годы ......................................................................................................................................................................146

https://buxdu.uz

**Suvanova K.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida tasviriy san’at namunalari asosida ijodkorlikni shakllantirishning innovasion shakl, vosita va metodlari ........ 150
**Султанходжаев Р.** Жиноятчиликка қарши кураш чоралари тизимида жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси ........ 153
**Tashimov N**. Chizma geometriya fanini o‘qitishda talabalarning mustaqil bilish faolliyatini rivojlantirish modeli ........ 156
**Turopova L.** Og‘zaki va yozma nutq amaliyotida til o‘rganishning ahamiyati ........ 158
**Хаитова Ю.** Олий таълимда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик тизими ........ 161
**Хайитов Н.** Дунёдаги хитой диаспорасининг бугунги ҳолати ........ 164
**Хайруллаева Н.** Биология дарсларида 3D технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш ........ 168
**Xamidova G.** Maktabgacha yoshdagi bolalar ijodiy va intelektual qobiliyatini rivojlantirish mexanizmlari ........ 171
**Xasanova G.** Jamiyatda tarbiyachi modelini yaratishning ijtimoiy pedagogik asoslari ........ 174
**Xonnazarova M.** Mediatexnologiyalar asosida zoologiya fanlarini o‘qitishning didaktik ta’minoti ........ 177
**Худайназаров А.** Ёшларни ижтимоий-маънавий ҳаётда фаоллигини оширишнинг устувор вазифалари ........ 181
**Xudayberganov S.** O‘zbekiston respublikasida xorijiy hamkorlikning huquqiy asoslari (Xorazm viloyati misolida) ........ 185
**Xo‘jaaxmatova Q.** Tibbiyot talabalariga ingliz tilini o‘qitishda zamonaviy innovatsion texnologiyalardan foydalanish ........ 188
**Xo‘jayev A., Raxmatov A.** Matematika fanini o‘qitishda mobil ilovalarning o‘rni ........ 191
**Ҳайдарова М.** Силвинитни қайта қилиш жараёнида лойнинг флотация босқичини такомиллаштириш ........ 194
**Chariyeva Z.** Creating a good atmosphere in a class ........ 197
**Shaxobidinov V., Alimov U., Bedilov O., Ilyasov B.** Ofitserning pedagogik mahorati ........ 200
**Эргашев А.** Олий таьлим тизимида “ионлаштирувчи нурланишлар” мавзусини модуль тизимида ўқитиш усуллари ........ 204
**Эргашев И, Рузиев Ж., Абдуллаев Б.** Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш масалалари ........ 207

**Филология**

**Абдусамадов З.** Сравнительный анализ фразеологических единиц с особенностями наименования в английском и узбекском языках ........ 211
**Аззамов Ю.** Гастрономия соҳаси терминологиясининг ўзига хос хусусиятлари ........ 215
**Бекташева Г.** Жадид адабиётшунослигига муносабат ва фикрлар хилма- хиллиги ........ 218
**Бозоров О.** Эпистоляр романларнинг тадрижий тараққиёти ........ 222
**Буранова Б.** Топонимлар таржимасида лексик трансформациядан ижодий фойдаланиш ........ 226
**Valieva N.** Xitoy tili frazeologik birliklarida “喜” “quvonch” freymi ........ 229
**G‘ulomova N.** Alisher Navoiyning “Badoye’ ul-vasat” devoni g‘azallarini grammatik teglash xususiyatlari ........ 233
**Гулямова Ш.** Ўзбек ва инглиз тилларида монологик дискурснинг тасниф этилиши ........ 237
**Имяминова Ш., Ҳафизов Ғ.** Шарқ ғазалларига ғарбона оҳанг ........ 241
**Inomjonova S.** Bolalar kitobxonligini rivojlantirishda fantastik asarlardan foydalanishning ahamiyati ........ 245
**Irgasheva Sh.** Kompyuter diskursdagi neologizmlarning tarjima qilish xususiyatlari ........ 247
**Исматуллаева Н. Боқиев А.** Синхрон таржимонликда мнемотехниканинг қўлланилиши хусусида ........ 252
**Kadirova L.** Jamoa sport turlaridan biri – futbol terminologiyasining morfologik va sintaktik tuzilishi ........ 255
**Каримова Ш.** Замонавий ўзбек шеъриятида эпифоранинг бадиий вазифалари ........ 258
**Qayumov S.** Portrait genre in the works of the artist Malik Nabiev ........ 261
**Қорабоев Ж., Шокиров Ш.** Ўзбек тилида “Мардлик” концептини прагматик хусусиятлари ........ 263
**Мавлянова Т.** Проблема перевода средневековой классики и его соответствия оригиналу ........ 266
**Mamadaliyeva S.** Chet el va o‘zbek adabiyotida publitistik xatlar va badiiy maktublarning uzviyligi ........ 269
**Mashrapova G.** Romantik dostonlar sujeti va safar motivi ........ 271
**Набиева Г.** “Шум бола” асари таржималарида лингвокультурологик муаммолар тадқиқи ........ 274
**Nazarov B, Xolmanova Z.** O‘zbek tilidagi o‘z qatlam va o‘zlashgan qatlamli biologiya terminlari ........ 278
**Нуритдинова Р.** Феъллардан антропонимлар ясалиши ва уларнинг лексик-семантик таҳлили ........ 282
**Ruzimurodova F.** Badiiy asar tahlili xususida ayrim mulohazalar ........ 285
**Sadikov E.** Til o‘qitishda pragmatika masalalari: ta’riflar, tanqidlar, tahlillar va talqinlar ........ 288
**Сувонов З.** Бадиий матн лингвистик экспертизасининг зарурати ........ 291
**Турабоева С.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги ахлоқий қадриятларнинг қиёсий-ассоциатив тавсифи ........ 294
**Турдибеков М.** Жой номлари этимологияси: Сўғд вилояти аҳоли яшаш пунктлари номлари мисолида ........ 297
**Umirzoqova N.** Ingliz va o‘zbek tillarida lingvistik metrologiyaning asoslari ........ 300
**Xasanova A.,Eskaraeva G.**National and cultural aspects of phraseological units of russian and uzbek languages 303
**Ҳалимова М.** Бош соматизмининг семантик структураси ва уни қавм бўлмаган тилларда қайта яратиш ........ 306
**Чўлиева Н.** Қисса жанрида замон ва макон (хронотоп) ........ 310
**Эгамқулова Н.** Вақтли матбуот ва адабий-эстетик тафаккур ривожи (1906-1917 йиллар ўзбек вақтли матбуоти мисолида) ........ 314
**Eshkobilova F**. The functions of colour terms as an adjective ........ 318
**Юсупова Ш.** Динга оид терминларнинг семантик хусусиятлари ........ 321

https://buxdu.uz

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/4/1]
ISSN 2181-7324

FALSAFA
https://science.nuu.uz/
Social sciences

UDK:37.015.6(075)

***Маралжан Кадирова,***
*БухДУ таянч доктаранти,*
*E-mail: durdiev65@mail.ru*
*Бухду профессори, п.ф.д.,Олимов Ш. Ш. тақризи асосида.*

## MODEL OF STUDENT ECONOMIC DEVELOPMENT BASED ON MODERN EDUCATIONAL TECHNOLOGIES

Abstract
This article presents the possibilities, methods of use of modern educational technologies in the development of economic skills of students in higher education institutions and the model of development of economic skills of students. Experiments were also carried out to determine the level of efficiency of the proposed model. The results obtained in the experimental test were analyzed using the xi quadratic criterion.
**Key words:** SWOT method, assessment method, web quest, model, xi square, economic ability, competence, didactic, motivation, ability.

## МОДЕЛЬ СТУДЕНЧЕСКОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация
В данной статье представлены возможности, методы использования современных образовательных технологий в развитии экономических навыков студентов вузов и модели развития экономических навыков студентов. Также были проведены эксперименты по определению уровня эффективности предложенной модели. Результаты, полученные в экспериментальном тесте, были проанализированы с использованием xi-квадратного критерия.
**Ключевые слова:** метод SWOT, метод оценивания, веб-квест, модель, квадрат xi, экономическая способность, компетенция, дидактика, мотивация, способность.

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ

Аннотация
Ушбу мақолада олий таълим муассасалари талабаларнинг иқтисодий кўникмаларни ривожлантиришда замонавий таълим технологияларнинг имкониятлари, фойдаланиш усуллари ва талабаларнинг иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш модели келтирилган. Шунингдек, таклиф этилаётган моделни самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари олиб борилган. Тажриба-синовда олинган натижалари хи квадрат критериясидан фойдаланиб, таҳлил этилган.
**Калит сўзлар:** SWOT методи, ассесмент методи, веб-квест, модель, хи квадрат, иқтисодий кўникма, компетентлик, дидактик, мотивация, қобилият.

**Кириш.** Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ислоҳотларнинг олиб борилиши туфайли олий таълим тизимини, шунингдек, кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда мутахассисларни тайёрлашда компетенциявий ёндашувга асосланиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Бугунги бозор иқтисодиёти бўлажак битирувчиларни иш билан таъминлашнинг иқтисодий муваффақияти билан боғлиқ маълум шартларни талаб қилади. Бу эса таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишни янгича ёндашувларини, яъни ўқитишни замонавий таълим технологияларни жорий этиш орқали талабаларнинг комптетентлигини шакллантиришни ва ривожлантиришни тақозо этади [1].

Шу боис, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ҳамда талабаларнинг билим, кўникма, малака ва компетентлигини ривожлантириш, шунингдек, репродуктив фаоллик улушини камайтириш имконини берадиган замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, иқтисодиёт йўналишдаги олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетенцияларни самарали шакллантириш методикаси, бўлажак иқтисодиёт ўқитувчиларининг ахборот технологояларидан фойдаланишда касбий тайёргарлигини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар мамлакатимиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида К.Н. Камалова, А.Ш. Саипназаров, П.Н. Подлавилчевя, П.В. Скрипченко, И.Н. Смирнова, Ф.И. Филченкова, М.А. Паутова, С.А. Бородай, Й.В. Пузиэнко, Й.Й. Овакимян, Г.М. Морозова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдк, иқтисодиётга оид фанларни ўқитишда замонавий таълим технологияларини қўллаш назарияси ва амлиётигига оид А.И.Муравьев, В.В.Пастухова, О.В. Федорова, М.С.Чернышенко, Т.Н.Патрахина, М.Н.Дудин, Н.В.Ляcников, С.А.Широковских, Е. И.Багузина, О.В.Волкова, Г.А.Воробёв, Е.В.Толмачева, Е.М.Шулгина, Б.Додж, Э.А.Игумнова каби олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда узлуксиз таълим тизимида ўқувчи ва талабаларнинг иқтисодий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича назарий ва амалий аҳамиятга молик айрим ёндашувлар илгари сурилган бўлса-да, олий таълим муассасаларида

https://buxdu.uz



талабаларнинг иқтисодий кўникмаларни ривожлантиришда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш махсус монографик тадқиқ қилинмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Замонавий таълим технологиялари бир-бири билан чамбарчас ва ўзаро боғлиқ бўлиб, очиқлик, ҳалоллик, ўзаро ёрдам каби қадриятларни тарбиялашга ва ҳар бир талабалнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқ таълим эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган муайян дидактик тизимни ташкил этади.

Замонавий таълим технологиялари асосида талабаларда фанларга оид кўникмаларини, жумладан иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун олий таълим муасасаларида иқтисодиёт фанларини ўқитишда замонавий таълим технологияларнинг жорий этиш шакл, усул ва воситаларини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун дастлаб талабаларнинг замонавий таълим технологиялари асосида иқтисодий кўникмаларини ривожлантириш моделини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шунинг учун тадқиқот доирасида олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт фанидан талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).




1-расм. Талабаларнинг иқтисодий кўникмаларини шакллантириш модели.

Келтирилган моделда иқтисодиёт фанидан маъруза ва амалий машғулотларнинг замонавий таълим технологиялари асосида, хусусан Ассесмент ва Swot таҳлил технологияларидан фойдаланиш назарта тутилган. Талабаларнинг иқтисодиёт фанидан мустақил таълимини ташкил этишда эса веб-квест технологиясидан фойдаланиш белгиланган.

SWOT таҳли методини иқтсодиёт фанларига қўллаш содда ҳисобланиб, юқори малакага эга бўлмаган профессор-ўқитувчи ҳам фойдаланиши мумкин. SWOT

https://buxdu.uz



таҳлил методи таълим олувчи ва таълим берувчига математика, эҳтимоллар назарияси, статистика каби фанларни билишни талаб этмайди. Аслида бу ерда тизимли иқтисодий билим, тажриба ва сезги зарур[2].

SWOT таҳлил методининг кўплаб модификациялари мавжуд, масалан, ишлаб чиқиш усули ва мақсад таҳлили. SWOT таҳлил усулининг кўп қирралилиги, уни вазиятлар билан ишлашда нафақат тадқиқот воситаси сифатида, балки вазиятни дастлабки тузилиш омили сифатида ёзишда ҳам фойдаланиш имконини беради [3]. Маълумки, менежментнинг мақсади муваффақият, самарадорлик, стратегия ва ривожланишнинг ҳал қилувчи омилидир. Мақсад бўлмаса, режа ёки дастур ишлаб чиқиш мумкин эмас. Бу нафақат бошқарувни, балки тадқиқот мақсадига ҳам тегишлидир [4].

SWOT таҳлил методи атроф-муҳит ва ташкилотнинг стратегик хусусиятларини тизимли тавсифлаш учун қулай воситадир. Кучли ва заиф томонлар компания маҳсулотнинг ички таҳлилидир. [5, 6].

Изланишларимиз асосида айтиш мумкинки, олий таълим муассасаларида иқтисодиёт фанидан маъруза машғулотларнинг ташкил этишда SWOT таҳлил методидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. SWOT таҳлил методи бўлажак иқтисодчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда самарали таҳлил технологияси бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим муассаларида иқтисодиёт фанида маъруза машғулотларнинг самарали ташкил этиш билан бирга, амалий машғулотларда талабаларнинг билимини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Шу боис, иқтисодиёт фанидан амалий машғулотларни ташкил этишда ассесмент методидан фойдаланиш самарали ҳисобланади.

Ассессмент инглизча “ассессмент” сўзидан олинган бўлиб, “баҳо”, “баҳолаш” маъноларини билдиради. Ассессмент методи иқтисодиёт фанидан амалий машғулотларда талабаларнинг билим, кўникма, малакалари ҳамда компетентлигини ривожланганлик даражасини оқилона баҳолаш мўлжалланган топшириқлар тўплами бўлиб, у биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириғи, баҳс-мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидуал кейс, тақдимот, эксперт кузатиши, кроссворд, ролли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топган бўлиши мумкин.

Шу боис, ассессмент методини иқтисодий фанлардан ташкил этиладиган барча босқичларида (дарс бошланиш ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон-бир бўлими тугалланганида) ўтилган мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини баҳолашда фойдаланиш самарали ҳисобланади. Шунингдек, оралиқ ва якуний назорат ўтказишдан олдин талабаларнинг билимларини текшириб олишда тавсия этилади.

Ассессмент методини иқтисодий фанларидан амалий машғулотларнинг ташкил этишда маълум бир тамойил ва талабларга амал қилиш лозим [7]. Бу борада С.В.Бурмистров, С.А.Тихоновскова, С.И.Самыгинлар томонидан тавсия этган тамойилларга таяниш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

касбий талабларни инобатга олиш;

иштирокчиларнинг хулқ-атворига эътибор бериш;

иштирокчиларнинг хатти-ҳаракати фақат реал фаолиятнинг аниқ вазияти контекстида баҳолаш;

барча иштирокчилар, кузатувчилар усулнинг асосий мақсадлари, тартиби ва аҳамияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари керак;

машғулот якунида ҳар бир иштирокчига ўз хатти-ҳаракати асосида фикр-мулоҳазалар берилади;

ходимларни олдиндан танлаш ва кейинги ўқув фаолиятини бир-бири билан мувофиқлаштириш;

машғулот процедурасини амалга ошириш жараёни мослашувчан раҳбарлик остида амалга оширилиши керак [1].

Шундай қилиб, ассессмент методидан иқтисодиёт фанида амалий машғулотларнинг ташкил этишда фойдаланиш орқали талабалрнинг билимини самарали баҳолашга ва уларнинг компетентлигини ривожлантиришда фойдаланишни тавсия этамиз [8, 9, 10, 11].

Келтирилган замонавий таълим технологиялари асосида иқтисодиёт фанида маъруза ва амалий машғулотларни ташкил этишда, ушбу технологиялар билан ахборот технологиялари воситаларининг интеграциясини таъминлаш асосида олиб бориш тавсия этилади. Ахборот технологиялари воситалари асосида, хусусан видео маърузалар, тақдимотлар, электрон тестлардан фойдаланиш орқали иқтисодиёт фанини янада самарали ва қизиқарли равишда ташкил этиш имконияти яратилади.

Олий таълим муассасаларида иқтисодиёт фанидан аудиторияда олиб борилаётган машғулотлар билан бирга, талабаларнинг, ушбу фандан мустақил таълимига эътибор қаратиш муҳим ҳисоблandaи. Шу боис, талабаларнинг иқтисодиёт фанидан мустақил таълимини ташкил этишда веб-квест технологиясидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Веб-квест – бу ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабатлар шакли бўлиб, у маълум бир сюжетни амалга оширишда глобал тармоқнинг қидирув тизимларидан фойдаланиш орқали муайян муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Шунингдек, аниқ белгиланган дидактик вазифага, ўйин режасига эга бўлган, мажбурий равишда етакчи (мураббий), аниқ қоидаларга эга бўлган ҳамда таълим олувчида билим ва кўникмаларини ривожлантириш учун амалга ошириладиган технологиядир [5, 6, 7].

Веб-квест турли хил маълумотларни қидириш орқали ечимини ва жумбоқларни топишга мўлжалланган ўйин технологиясидир [8]. Бу технологиядан аудитория ва аудиториядан ташқарида ҳам фойдаланиш мумкин [9]. Веб-квест технологияси жамоавий ўйин ҳисобланиб, ўйин ғояси оддий - жамоа нуқталар бўйлаб ҳаракатланиб, турли вазифаларни бажаради [10]. Аммо ўйин фаолиятини бундай ташкил этишнинг асосий жиҳати шундаки, битта вазифани бажаргандан сўнг, иштирокчилар кейинги вазифани бажариш учун маслаҳат оладилар, бу эса иштирокчиларнинг фаоллигини ошириш, ўрганиш ва тадқиқот ишларига йўналтириш ҳамда мотивациясини ошириш учун самарали воситасидир [11-14].

Веб-квест технологияси ёрдамида иқтисодиёт фанларидан талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш орқали, уларнинг қидирувни таълим мақсадларини белгилайди, ўйиннинг режасини тузади, иштирокчиларнинг фаолияти жараёнини ва якуний натижани баҳолайди, қидирув ва тадқиқот фаолиятини ташкил этади.

Шу боис, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанларга, хусусан иқтисод фанларини ўқитишда веб-квест технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Таҳлил ва натижалар.** Замонавий таълим технологиялари асосида талабаларнинг иқтисодий кўникмаларини ривожлантириш моделини самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишлари Бухоро давлат университетининг “Иқтисодиёт” таълим йўналиши талабалари тажриба ва назорат гуруҳига ажратилди. Ушбу тажриба гуруҳига ажратилган талабаларга тадқиқот

https://buxdu.uz



доирасида ишлаб чиқилган моделдан фойдаланилди. Назорат гуруҳига эса бу имконият берилмади. Тажрибасинов ишларининг самарадорлик даражаси хи квадрат критериясидан фойдаланиб, математик-статистик таҳлили ўтказилди. Мазкур критериядан фойдаланишда танламалар учун мос ўрта қийматлар $\overline{X} = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{4} n_i X_i$, тарқоқлик коеффисийнтларини $D_n = \sum_{i=1}^{4} \frac{n_i(x_i - \overline{X})^2}{n-1}$ формулалардан фойдаланилди. Ҳисоблаш натижасига кўра, тажриба гуруҳининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги, яъни 8,1 фоизга ошганлиги маълум бўлди.

**Хулоса ва таклифлар.** Таклиф этилаётган замонавий таълим технологиялари, Ассессменд, Swot таҳлил ва веб-квест технологияларининг иқтисодиёт фанини ўқитишда қўллаш лозим. Ушбу замонавий таълим технологиялари иқтисодиётнинг долзарб муаммони оқилона ҳал қилишга қаратилганлиги билан самарали ҳисобланиб, бунда талабаларнинг мустақил, ижодий фаолияти доирасида амалга оширишга қаратилган бўлиб, бу бўлажак иқтисодчиларнинг касбий фаолиятда муаммоли вазиятларни ҳал этиш кўникма ва малакаларини эгаллашига хизмат қилади. Шунингдек, таълим даражасини, кўникма ва малакаларини оширишга қаратилганлиги билан самарали ҳисобланади.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Бурмистров С.В., Тихоновскова С.А., Самыгин С.И. Ассессмент-центр как новая технология в системе управления персоналом // file:///C:/Users/User/Downloads/assessment-tsentr-kak-novaya-tehnologiya-v-sisteme-upravleniya-personalom.pdf
2. Катькало В.С., Веселова А.С., Смельцова С.В. Методические указания для подготовки курсового проекта «SWOT-анализ». – М.: Высшая школа бизнеса НИУ ВШЭ, 2021. – 51 с.
3. Пастухова В.В. Использование SWOTанализа в процессе выбора глобальной стратегии предприятия // Практическое пособие. – Донбасс, 2000. – 74 с.
4. Пастухова В.В. Использование SWOTанализа в процессе выбора глобальной стратегии предприятия: Практическое пособие / В.В. Пастухова. – Д.: АООТ Донецкий Торговый Дом «Донбасс», 2000. – 74 с.
5. Гвозденко А.Н. Использование методики многофакторного SWOT-анализа для разработки стратегических направлений деятельности // Маркетинг и маркетинговые исследования. 2006. – № 4. – С. 13-16.
6. Сухарев П.Н., Григоренко А.С. Метод SWOT-анализа: его преимущества и недостатки // Экономические науки. Маркетинг и менеджмент. – 2010. – № 6. – С. 25-28.
7. Писарева С. А. Методология оценки качества диссертационных исследований по педагогике // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора педагогических наук. Санкт-Петербург 2005. – 44 с.
8. Воронцов А.Б. Педагогическая технология контроля и оценки в учебной деятельности (система развивающего обучения Д.Б. Эльконина – В.В. Давыдова). // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора педагогических наук. – СПб., 2001. – 24 с.
9. Ткачева Н.М. Реализация педагогической модели тестирования компетенций школьника в процессе контроля и оценки результатов обучения // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук Воронеж – 2017. – 24 с.
10. Иващенко Е.В. профессиональная подготовка будущего учителя начальных классов к оценке учебных достижений школьников // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Белгород, 2009. – 23 с.
11. Башкин Е.Б. Эффективность стратегических ассессментсессий в развитии профессиональных компетенций специалиста // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук. Москва – 2010. – 29 с.
12. Левочкина Н.А. Молодежный квест как средство воспитания и культурного общения // Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал), Modern Research of Social Problems, № 9(65), 2016. – С. 19-32.
13. Игумнова Е.А. Квест-технология в образовании // Учеб. пособие. – Чита: ЗабГУ, 2016. – 164 с.
14. Волкова О. В. Подготовка будущего специалиста к межкультурной коммуникации с использо-ванием технологии веб-квестов // Дис. … канд. пед. Наук. – Белгород, 2010. – 217 с.